УДК 201.55

# МОРФОЛОГИЯ ПОЧВ

Н.Н. Тураева[1]

*Аннотация*

В статье приведена информация о морфологии почв.

Ключевые слова: почвы, профиль почвы, морфология почвы, гидроморфная почва.

Тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари натижасида тупроқнинг она жинслардан фарқ қиладиган муҳим қатор таркибий қисмлари, хоссалари ва белгилари юзага келади. Бу ўзгаришлар тупроқнинг профилида ўз аксини топган бўлади. Тупроқ профили - тупроқ генетик горизонтларининг вертикал йўналиш бўйича муайян тарзда алмашиб туриши натижасида юзага келадиган ташқи қиёфасидир. Тупроқ профилини ташкил этувчи генетик горизонтлар ўзига хос ташқи морфологик белгилари билан ажралиб туради. Ана шу белгилар асосида тупроқларни она жинсларидан ва бир-биридан фарқлаб ажратиш ҳамда тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг бориши, унинг жадаллиги ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин. Тупроқнинг морфологияси ҳақидаги асосийфикрлар В.В.Докучаев томонидан айтилган бўлиб, С.А.Захаров уни такомиллаштирди. Тупроқнинг асосий морфологик белгиларига: тупроқ профилининг тузилиши, тупроқ ва унинг алоҳида горизонтларининг қалинлиги, ранги (туси); механик таркиби; структураси; қовушмаси; янги яралмаси ва қўшилмаси.

**Тупроқ профилининг тузилиши**. Айтилганидек, тупроқ профили қатор генетик горизонтлардан иборат. Тупроқ горизонтлари - тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари натижасида пайдо бўладиган ва одатда ер юзасига параллел йўналган, деярли бир хил тузилишли ҳамда ўзининг морфологик (ташқи) белгилари билан ажралиб турувчи тупроқ қатламларидир.Тупроқ горизонтлари бир-биридан ранги (туси), структураси, қовушмаси сингари морфологик белгилари билан фарқланади. Улар ҳар хил кимёвий ва механик таркибга эга бўлиб, бу горизонтларда биологик жараёнлар ҳам турлича кечади. Тупроқ горизонтларининг тузилиши табиий тупроқ пайдо қилувчи жараёнлар ҳамда инсонларнинг ердан фойдаланиши туфайли ўзгариши мумкин. Тупроқ профилида бир қанча горизонтлар ажратилади ва улар ҳам қаторгоризонтчаларга бўлинади. Ҳар бир горизонт ўзининг номи ва ҳарфли белгилари (индекслари) га эга.

**Органик моддалар тўпланадиган** (аккумулятив) **горизонт** (А) тупроқ профилининг юқори қисмида яшил ўсимликларнинг қуриган биомассаси тўпланишидан ҳосил бўлади. Бу горизонт ўзининг ифодаланиши, характерига кўра - гумусли - аккумулятив горизонт, тупроқнинг юқори минерал қатламида ҳосил бўлиб, уларда минерал моддаларнинг парчаланиши ва ишқорсизланиши ифодаланмаган; **А1 -** гумусли-элювиал, тупроқ профилининг юқори горизонти ҳисобланиб, унда морфологик ва таркиби жиҳатдан минерал моддаларнинг парчаланиши ва ишқорсизланиши ифодаланган (ўрмон, ўрмон-дашт, дашт зоналарида яхши шаклланган). **А** ва **А1** горизонтлари одатда бошқа горизонтларга нисбатан анча тўқ, қорамтир тусли бўлиб, бунда энг кўп миқдорда органик моддалар (гумус) ва озиқ моддалар тўпланган. Ишлов бериладиган тупроқлар профили одатда ҳайдалма горизонтдан **(Аҳ)** бошланади. Бу горизонт тупроқ гумусли қатлам ва қисман пастки горизонтларнинг ҳайдалиши туфайли ҳосил бўлади. Чимланиш жараёни яхши борадиган қўриқ ерларда (қора тупроқлар, каштан ва бўз тупроқларда) чим қатлами **(Ач)** яхши ифодаланади. **Элювиал** (ювилма) **го-**

---

[1]*Тураева Наргиза Неъматиллоевна* – преподаватель, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

**ризонт** (А2) тупроқ минерал қисмининг интенсив парчаланиши ва бу маҳсулотларнинг пастки қатламларга ювилиб кетилиши жараёнлари натижасида пайдо бўлади. У очроқ тусли. Иллювиал ёки ўтувчи (оралиқ) горизонт (В) элювиал ёки гумус (чиринди)ли горизонт остида ҳосил бўлиб, она жинсларига ўтувчи қатлам ҳисобланади. Элювиал горизонтли тупроқларда иллювиал горизонт яхши шаклланиб, унда ювилган моддалар (тупроқ пайдо бўлиш маҳсулотлари) қисман ана шу қатламда тўплана бошлайди. Шунинг учун шимилма горизонт ҳам дейилади.

Иллювиал горизонтнинг қуйидаги турлари: **BFe -** темир моддалари ювилиб келтирилган. **Bh -** гумусли моддалар шимилган, **Вк -** карбонатлар тупланган, **Bs -** сульфатлар ва хлоридлар келтирилган. **Bi -** ил (лойка) заррачалари келтирилиб тўпланган қатламчалари ажратилади. Тупроқнинг юқори қисмидан моддалар ювилиб келтирилмайдиган шароитда (қора тупроқ, каштан ва бўз тупроқ кабиларда) **В -** горизонт иллювиал ҳисобланмасдан балки гумусли аккумулятив горизонтдан жинсларга ўтувчи қатламдан иборат. У кўпинча структура ва қовушмасига кўра **В1 В2** горизонтчаларига ажратилади. **Глей** (берч) **горизонти (G) -** гидроморф тупроқларда ҳосил бўлади. Доимий ёки узоқ муддатли сув босиб турадиган ўта нам ва эркин кислород етишмайдиган шароитда, тупроқда анаэроб-қайтарилиш жараёнлари боради. Агар глейланиш бошқа горизонтларда ҳам ифодаланган бўлса, уларнинг ҳарфли индекслари ёнига "g" деб ёзиб қўйилади. Масалан, Ag, Bg ва ҳоказо. **Она жинс (С)** тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари кам таъсир этган ғовак жинслардан иборат. **Тупроқ ости туб жинслари (D),** одатда тупроқ горизонтлари муайян жинсларда пайдо бўлиб, унинг остида эса бошқа хоссаларга эга жинслар мавжуд бўлганда ажратилади. Ҳар бир тупроқ типи учун ўзига хос горизонтлар характерли бўлиб, баъзан бу горизонтлар айрим тупроқлар профилида бўлмаслиги мумкин.

*Фойдаланилаган адабиётлар руйхати*

1. Ташхўжаев Р. Тупроқшунослик. Тошкент, 2009.

© Н.Н. Тураева, 2019